



INTERNATIONAL EXPERIENCE IN ENSURING SOCIAL TOLERANCE

N. Kunisheva

Senior Lecturer

Angren University

Angren, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: social tolerance, the concept of a “safe community”, “ensuring a peaceful life”.

Received: 31.03.25

Accepted: 02.04.25

Published: 04.04.25

Abstract: This article discusses the compatibility of international practices and experiences in ensuring social tolerance, as well as the social environment.

ИЖТИМОЙ БАГРИЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ

Н. Кунисхева

Катта ўқитувчи

Ангрен университети

Ангрен, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит бағриенглик”, концепцияси, таъминлаш”

сўзлар: “хавфсиз ҳамжамият” “тинч-тотув ҳаётни

Аннотация: Мазкур мақолада ижтимоий бағриенгликни таъминлашда халқаро амалиёт ва тажрибаларнинг уйғуллиги, ижтимоий муҳит ҳақида сўз юритилади.

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ ОБЕСПЕЧЕНИЯ СОЦИАЛЬНОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ

Н. Кунисхева

Старший преподаватель
Ангренский университет
Ангрен, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: социальная толерантность, концепция «безопасного сообщества», «обеспечение мирной жизни».

Аннотация: В статье рассматривается совместимость международной практики и опыта в обеспечении социальной толерантности, а также социальной среды.

Давлат, ижтимоий-маданий, миллий-этник гурухлар ва алоҳида фуқаролар даражасида бағрикенгликни ривожлантириш, унинг замонавий моделларини, шахс ёки муайян гурухларнинг бағрикенглик мөъёларга мос келмайдиган хатти-харакатларининг сабабларини тарихий, ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш олимлар олдида турган мураккаб вазифалардан биридир. **Негаки, бу ахлоқий масала бўлиши билан бир қаторда, сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир.**

Тадқиқотимиз мавзусининг ушбу қисмга алоқадор масалалар таҳлилига киришишдан олдин, “**ижтимоий бағрикенглик**” тушунчасига замонавий ижтимоий-гуманитар фанларда ҳамма тан олинган ягона ва бир хил таъриф ҳамда мутлақ умумий тавсиф йўқ.

Фарб мамлакатларидағи ушбу мавзуга доир замонавий тадқиқотларда ижтимоий бағрикенгликнинг иқтисодий, сиёсий, психологик ва бошқа турли

хил шакллари ва хусусиятларини ўрганишга аҳамият қаратилмокда. Бунда бутун жамиятдаги ижтимоий тенгликни таъминлаш, турли ижтимоий гурухлар, қатламлар манфаатлари келишуви асосида мамлакат ривожланиш йўлини танлашда миллий ҳамжиҳатликка етишиш имконияти сиёсий бағрикенгликнинг мазмун-моҳиятини белгилайди, деб қаралади.

Жамият иқтисодий тизимининг такомиллашувига, эскирган иқтисодий тузулмаларни янгилари билан алмаштиришга, иқтисодий ҳаётни тараққий эттиришга имкон берадиган мустаҳкам ҳамкорликка асосланган муносабатлар мажмуи иқтисодий бағрикенглик ҳолати сифатида намоён бўлади. **Бир қатор хорижий тадқиқотчилар** “...ҳамкорликнинг зарурий шарти бўлган бағрикенглик ижтимоий-иктисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг мухим омили эканлигини амалиёт исботлади. Инсон капиталини такомиллаштириш, хусусан, самарали ҳамкорликка олиб келади – бу одамларнинг ўз ҳаракатларини шериклар билан мувофиқлаштириш қобилияти демакдир. Муайян гурух, мамлакат ёки минтақадаги бағрикенглик даражаси ҳаёт сифати ва технологик ва маданий ривожланиш билан ортиши керак”, деб ҳисоблайди.

Бағрикенгликнинг психологик тамойиллари эса, жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий институтлар, турли гурухлар ва қатламлар ўртасидаги муносабатларнинг маънавий асосларга таянгани, одамларнинг руҳий ҳамжиҳатлиги каби ҳолатларни ифодалайди. Бунда муайян кишининг эҳтиёжлари ва манфаатлари, уларни амалга ошириш билан боғлиқ психологик омиллар, бирон-бир соҳа, воқеа ёки жараёнга алоқадор хис-туйғулари, хоҳишлари ва истаклари мухим аҳамият касб этади. “Ижтимоий бағрикенглик жамият аъзоларида бир-бирини хурмат қилиш туйғусини ривожлантириш, шахс онгига турли кўрқув ва бегонасираш ҳиссларининг пайдо бўлишига ёрдам берадиган психологик тўсиқларни йўқ қилиш зарурати билан боғлиқ.

Масалан, хорижий тадқиқотчилар: **К.Дойтч, Д.Сингер, Э.Гидденс** каби бир гурух олимлар бағрикенгликни ижтимоий маконда ўрнатилган муносабатларни, маълум бир яшаш даражаси ва бошқаларни акс эттириш натижаси деб ўрганади. **Ф.Фукуяма, Д.Хелд** ва бошқалар эса, уни инсониятнинг фундаментал эҳтиёжи, ижтимоий-иктисодий тизим ижобий ривожланишини сақлаб қоладиган ҳолат сифатида тавсифлайди. **П.Бергер ва Т.Луман** бағрикенгликни инсоннинг ички психологик эҳтиёжи сифатида талқин қилганлар. Уларнинг фикрича, бағрикенгликка асосланадиган ижтимоий муҳитнинг баъзи категориялари муқим бўлиб, эволюцион, кетма-кетлик тарзида амалга ошади. Ушбу муқим, яъни ўзгармас категориялар универсал хусусиятларга эга бўлган бағрикенглик мезонлари тарзида намоён бўлади.

Тарихий-дипломатик ёндашув контекстида “бағрикенглик” тушунчasi “кучларнинг тенглиги” ҳолатига асосланган тушунча сифатида тавсифланади. Хусусан, АҚШлик сиёsatшунос **М. Трахтенберг** 1950 йиллар охирларида Лос-Анжелесда яратилган ва Ж.Кеннеди даврида АҚШ сиёсати асосига айланган “стратегик барқарорлик” ҳарбий-сиёсий доктринаси пайдо бўлиши “бағрикенглик” ва хавфсизлик” сўзларининг маъноси яқинлашиб кетишига олиб келганлигини таъкидлайди. Бу доктринага қўра, АҚШ ва собиқ иттифоқнинг ядро арсеналлари, ким томонидан биринчи ҳужум қилинишидан қатъий назар, бир-бирини йўқ қилишга етарли эканлигини тан олишдан иборат бўлган. Ушбу контекстда ҳарбий-стратегик маънода тушуниладиган “бағрикенглик” сўзи “тенглик” атамасига деярли маънодош, деб тушунила бошлаган.

Кейинчалик эса, бағрикенгликка тизимли ёндашув шаклланди ва “халқаро тартиб” концепцияси вужудга келди. Мазкур концепция доирасида немис социологи **Н.Луман** ижтимоий бағрикенгликка таъсир қиладиган тизим хусусиятларини қуидагича изоҳлаган: тизимнинг мажмуавийлиги, минтақавийлиги ва нисбийлиги; маҳсус талаб (сайловларда алмашадиган хукumat) мавжудлиги; тизим ўзгаришлари такрорланиши ва даврийлиги. Бунда ижтимоий макон бағрикенглигини муҳим унсури тизимни ўзини ўзгартира олиш ва атроф-муҳитга мустақил мослашиш қобилияти ҳисобланади. Бу хусусият элементлар номутаносиблигига асосланади, атроф-муҳитга мослашиш жараёнида пайдо бўлиши мумкин бўлган қийинчиликларни, яъни барча ташқи таъсирлардан ёпиқлигини назарда тутади. Немис олимининг талқинига қўра, бағрикенгликни жамиятнинг ижтимоий-маданий жиҳатдан интеграциялашуви омили сифатида жамиятларининг тинч яшашини таъминлашга имкон берувчи ижтимоий хавфсизликнинг ажralmas шарти сифатида концептуал жиҳатдан талқин қилиш мумкин.

АҚШлик назариётчи-социолог **Т.Парсонснинг** бағрикенглик муаммосига тизимли ёндашув нуқтаи назаридан ишлаб чиқсан концепциясида бағрикенглик жамиятни

барқарорлаштириш ва ижтимоий низоларни минималлаштириш англатади. Унинг фикрича, ижтимоий, маданий, шахсий ва органик тузулмалардан таркиб топган ҳаракатлар тизимини моделлаштириш мумкин. Т.Парсонс моделига кўра, бағрикенг жамиятга тегишли бўлган тузилманинг исталган тузилишини ташкил этадиган элементлари ва турли хусусиятлари бир-бирига зид бўлмайди, айнан уларнинг ўзаро мослиги жамиятнинг бир бутунлигини сақлаб туришида муҳим аҳамият касб этади.

Глобаллашиб бораётган бугунги дунёда мутлоқ ёпиқ ва тўла-тўқис чегараланган ижтимоий тизимлар деярли учрамайди, чунки ҳамма нарса ўзаро боғлиқ элементларнинг бир-бири билан доимий таъсири натижаси сифатида намоён бўлади. Француз жамиятшуноси **П.Бурдье** иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий-мафкуравий системалардан иборат бўлган тизим ва тузилмалар ўз моҳиятига кўра, жамиятнинг турли соҳалари таъсирини сезиб туради, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, ҳар бир ижтимоий субъект, шахс ёки фуқаро мазкур тизим ва тузилмалар доирасида амал қилгани ёки фаолият юритгани учун уларнинг яшовчанлиги ва мустаҳкамлигидан манфаатдор бўлади, бу ўзатни сақлаш учун муттасил ҳаракат қиласди.

Яна бир француз жамиятшуноси ва социолог **К. Леви-Строс** эса, ижтимоий бағрикенглик муаммосини “ижтимоий макон” ва “ижтимоий замон” нуқтаи назаридан ўрганар экан, турли замон ва макон шароитларида ижтимоий ҳодисалар ва ижтимоий тузилмаларнинг ўзаро боғлиқлигини, уларнинг макон ва замондаги ўлчовлари бошқа илмларда қўлланиладиган ўлчамлардан фарқланишини таъкидлайди. Унинг фикрича, бу ўлчамлар фақат ижтимоий воқеаликларга тегишли бўлиб, жамиятнинг бир бири билан алоқадор индивид ва гурухларига хос хилма-хил хусусиятларни белгилайди.

Стэнфорд (АҚШ) университети профессори **Л.Росс** ва Мичиган (АҚШ) университети профессори **Р. Нисбет** фикрига кўра, ижтимоий бағрикенгликка таъсир қиласиган вазият муаммосини ўрганиш, кўп ҳолларда, ушбу масалаларнинг психологик изоҳларига таянади. Улар бағрикенгликнинг ўзига хос психологик сифатларини тавсифлашда қўйдагиларга эътибор бериш зарур, деб ҳисоблайдилар:

1. Муайян субъект ҳаракатининг нисбий мустақиллиги ижтимоий муҳит ва субъектлараро таъсирлашувнииг ўзига хос натижаси бўлиб, субъектлар ва обьектлар моддий маънода муқим бўлсада, бирон-бир ҳаракатни содир этиши ёки жамиятда эгаллаб турган жойини ўзgartириши (мулки ўзгариши, иқтисодий мавқеи ортиши ва ҳоказо.) мумкин.

2. Ўзаро муносабатда бўлган субъектлар орасидаги қонуниятларни ўрганиш ижтимоий бағрикенгликнинг психологик асосларини очишга ёрдам беришини ҳисобга олиш зарур. Ушбу жараёнда ижтимоий таъсирнинг субъектив табиатини эътиборга олиш

муайян жамиятдаги бағрикенгликнинг субъектив талқини ҳамда унга хос хусусиятларнинг психологик жиҳатларини аниқлашга ёрдам беради.

Бир қатор хорижий тадқиқотчилар ҳозирда **ижтимоий бағрикенгликни шакллантирувчи омилларни ўрганишга доир масалани “вазият” тушунчаси билан боғлаш зарур, деб ҳисоблайдилар.** Бундай ёндашув вазият ривожланишини чуқурроқ англаш орқали асосли бошқарув қарорларни ишлаб чиқиши ва қабул қилиши, инқирозга олиб келиши мумкин бўлган зиддиятли вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун ўз вақтида чоралар кўришга имкон беради. Шу билан бирга, бу – ташки ва ички омиллар, ҳолатлар, шароитлар мутаносиблигини инобатга олишни талаб қиласди. Ўз навбатида, у ижтимоий муҳит ривожланишини белгилаб берадиган вазиятларни ҳисобга олиш ва жамиятдаги мавжуд бағрикенгликни сақлаб қолишга йўналтирилган тегишли қарорлар қабул қилишни заруратга айлантиради.

Фарб мутахассислари жамиятдаги ижтимоий бағрикенгликнинг умумий механизмларини таҳлил қилишда “тўлқинлар назарияси”га ҳам таянадилар. Масалан, файласуф ва футуролог **Э.Тоффлер** (АҚШ) тадқиқотларига мувофиқ (1980 йилда ёзилган “Учинчи тўлқин” асарида таъкидланганидек) XX аср ўрталаридан бошланган иқтисодий тараққиёт тўлқинлари, айниқса учинчи тўлқин даврида ижтимоий бағрикенглик тамойилларининг мустаҳкамланишига бозор иқтисодиёти тараққиётига сабаб бўлган. Унинг фикрича: “...ижтимоий бағрикенгликнинг бозор иқтисодиёти билан боғлиқ омиллари қуидаги йўналишларда ривожланмоқда: технология соҳасининг инновацион ғоялар ҳисобига тараққий топиши; космосни ўзлаштириш соҳасининг ривожланиши; жаҳон океани заҳираларини янада кенг ўзлаштирилиши; биотехнология соҳасининг ривожланиши; табиий заҳираларни максимал даражада тежашга ўтиш; илм-фан соҳаси ва интеллектуал ҳаётда интеграция жараёнларининг кучайиши, тизимлар назарияси ва фанлараро услублар шаклланниши.

Д.Гудби, П.Бувальда ва Д. Тренин каби ҳозирги замон тадқиқотчиларининг фикрича, бутун дунёда бағрикенглик ғояси “хавфсиз ҳамжамият” концепцияси билан бевосита боғлиқдир. “Давлатларнинг бир-бирига қарши куч ишлатмаслиги, низоларни тинчлик ва келишув йўли билан ҳал қилишига асосланган бундай хавфсизлик ҳолати ижобий тарзида талқин қилинади. Ҳозирги глобаллашув даврида ижтимоий бағрикенгликни таъминлашга доир қарашларнинг бу йўналиши замонавий давлатнинг назорат ва вазият омилларини самарали бошқариш функцияси билан боғлиқ тарзда шаклланган”. Бундай талқинга кўра, давлат жамиятда бағрикенгликка эришишнинг асосий ташкилотчиси ва бошқарувчиси сифатида намоён бўлади. Давлатнинг мазкур вазифаси глобал ва миллий даражада бағрикенгликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш учун ўз вақтида

зарур қарорлар қабул қилиши, уларни унумли амалга ошириши ва халқаро муносабатларда умуминсоний талабларга риоя қилиши жараёнида янада аниқроқ намоён бўлади.

Бағрикенглик ўз чегараларига эга бўлиши керак ва у асосий инсоний қадриятлар тизимиға боғлиқликни назарда тутади. Маданий тақиқларнинг йўклиги ёки уларни онгли равишда рад этиш жамиятини махлуқлар подасига айлантиради. Чексиз эркинлик каби чексиз бағрикенглик бўлиши мумкин эмас. Чексиз эркинлик қонунсизликка олиб келади.

Ижтимоий бағрикенглик эса ижтимоий муросасизликдан фарқли равишида ҳар доим ҳам қандай фаолиятнинг дикқат марказида бўлади: сиёsat, ишлаб чиқариш, ОАВ, ижтимоий соҳа, бошқарув ва ҳакозо. Бундай мамлакатда маданий ёки диний хилмачилликларга бағрикенг муносабат ҳукмон бўлади. Ўз навбатида ижтимоий бағрикенг ва миллатни энг оғир синовли дамларда олий эзгу мақсад атрофида жипслаштира олган инсонга бутун дунёда самимий ҳурмат кўрсатилиди. Тарихда шундай инсонлардан бири 1958 йил 21 декабрь куни Францияда ҳокимият тепасига келган ҳарбий генерал Шарль де Голь эди. У Франциянинг Бешинчи Республикаси асосчиси ва мамлакатни оғир инқироздан олиб чиқиб, мустақил ташқи сиёsat юритган президент сифатида тарихда қолган. Шарль де Голнинг сиёsatчилар ўз мақсадларига халқни бағрикенглик тамойиллари асосида бирлаштириш асосида эришса бўлади, деган ғояси ҳозиргacha долзарбdir.

Сўнгги даврларда олимлар ва мутахассислар ўртасида “аҳолининг мутлақ аксариятини ислом динини устувор бўлган жамиятда бағрикенгликни таъминлаш мумкинми, халқнинг маданий қадриятлари, менталитети ва анъаналари аҳолининг бағрикенглик туйғуларига қандай таъсир қиласи, деган савол қизғин мухокама қилинмоқда.

Ислом ва демократиянинг мувофиқлиги масалаларига оид либерализм ва демократия тушунчалари Ўрта асрлар ислом оламида аллақачон мавжуд бўлган. Масалан, мутафаккир имом **Абу Мансур Мотуридий** ўз таълимотида исломда ўта муҳим бўлган бағрикенглик, мўътадиллик ва инсонийликни тарғиб қиласи. Имом Мотуридийнинг Қуръон тафсирига бағишлиланган “Таъвилот аҳли сунна” асари “Ҳаж” сураси 40-оят тафсирида: “Черков ва синагогаларни вайрон этиш ман этилади. Шунинг учун ҳам, мусулмонлар юртида шу давргача улар бузилмай сақланиб қолган. Бу масалада илм аҳли орасида ихтилоф йўқдир”, деб қатъий уқтиради. Самарқандлик факих, муфассир **Абу Лайс Самарқандий** эса, ўзнинг тафсир китобларида “Сизлар билан уруш қилмаган ўзга дин вакиллари билан борди-келди қилинг, улар билан адолатли муомалада бўлинг”, деб ёзади.

Хулоса қилиб айтганда, ислом таълимотига кўра бу дунёдаги барча инсон борки, улар ирқи, насл наасби, келиб чиқишидан қатъи назар тенгдирлар.

Хусусан, муқаддас Қуръонда: “...Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ азоби

қаттиқ зотдир”. (Моида сураси, 2-оят). “Анкабут” сураси 46-оятида эса: “(Эй, мўминлар!) Сизлар аҳли китоблар билан фақат энг чиройли услубда мунозара қилингиз, илло уларнинг орасидаги зулм (тажовуз) қилганлар бундан мустаснодирлар...”, дейилган.

Жамиятда миллатлар ва конфесияларо тотувлик, бағрикенглик маданияти ва шахс хукуқларининг манбаи бўлган маънавий-ахлоқий ўзак Куръон оятларида баён этилган.

Ислом таълимоти нуктаи назаридан бағрикенглик мезонларини қўйидагича ифодалаш мумкин:

хушмоамалалик – қўпол сўзламаслик, одамларни яхши ёмонга ажратмаслик (Нахл, 125);

мажбурламаслик – ўз қараш ва эътиқодига бошқаларни ҳам бўйсундиришга уринмаслик (Бақара, 256);

беозорлик – ҳеч бир диннинг ибодат масканларига зиён етказмаслик (Ҳаж,40);

адолатлилик, холислик – дини, миллати, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар ҳаммани бир қўзда қўриш (Моида, 8.);

мулоқот ва ҳамкорлик – турли миллат ва турли дин вакиллари билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш (Хужурот, 13)

Жумладан, Пайғамбаримиз с.а.в бир муборак ҳадисларида марҳамат қиласиларки: “Эй Уқба, сенга дунё ва охират аҳллари ахлоқларининг афзалларидан хабар берайми? Ким сен билан силаи раҳмни узган бўлса, сен уни боғлайсан, ким сени бир нарсадан маҳрум қилган бўлса, унга ўшани берасан ва ким сенга зулм қилган бўлса, афв қиласан”.

Бағрикенгликни таъминлаш борасида давлатнинг ҳал қилувчи ролини эътироф этиш баробарида, ижтимоий гуруҳлар ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш масалаларида фуқаролик институтларининг аҳамияти алоҳида ўрин тутади.

Айниқса, бугунги кунда дунёнинг аксарият мамлакатларида бағрикенгликни таъминлаш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, уларнинг миллий манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш борасидаги энг муҳим муаммоларни ҳал этиш, шу билан бирга, бағрикенгликнинг муҳим йўналишлари бўлган ўзга урф-одатларга тоқат қилиш, ўзга миллат билан тенглик, ҳамкорликда яшаш борасида давлат томонидан ишлаб чиқарилган қонун-қоидалар, карорлар ва рамзларни ҳурмат қилиш мақсадида жамоатчилик, оммавий ёки ижтимоий дипломатия (маданий, маърифий, илмий, спорт ва бошқалар) муҳим роль ўйнайди.

Ижтимоий бағрикенглик муаммосини ўрганиш Farбда ҳам анча чукур илдизларга эга. Улар орасида Қадимги Юнонистон мутафаккирлари ижтимоий бағрикенгликни “тартиб-интизом” ва “тинч-тотув ҳаётни таъминлаш” сифатида талқин қилган.

Үйғониш даврида Европада илм-фан соҳасида чуқур ўзгаришлар рўй берид, янги ғоялар илгари сурила бошланди, одамларнинг дунёқараши кескин ўзгарди. Миллий давлатларнинг ҳар бири учун муҳим бўлган ва ижтимоий бағрикенглик тамойилларига асосланган халқчил мафкура шаклана бошланди. Бу тамойиллар эса, миллий чегараларни билмайдиган, умуминсоний хусусиятга эга бўлди.

XIX аср Ғарб давлатлари учун ижтимоий бағрикенглик муаммосини ўрганишда муҳим босқич бўлди. Бу даврда капитал муносабатларни жадал ривожланиши ижтимоий тузумни тубдан ўзгаришига олиб келди. Бу даврда ижтимоий институтлар ва инсон манфаатлари уйғунлиги, алоҳида шахслар ва бутун жамиятни юқори даражадаги интеллектуал ривожланиши, ишлаб чиқарувчи куч билан ишлаб чиқарувчи муносабатларнинг ўртасидаги динамик мувозанатни муҳимлиги бағрикенгликни асосий шартлари сифатида кўрсатилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. М. Ш. Усманов. О роли и влиянии религиозных ценностей на процессы формирования гражданского общества.
2. Ж. Каримов. Исломда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик масалалари.
3. Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти. <https://oliymahad.uz/institut-haqida>
4. **Abu Abdulloh Muhammad Ibn Ismoil Al-Buxoriy. Al-Jomi' As-Sahih.** -Т., Qomuslar bosh tahririyati, 1991.
5. Д.С.Плотников. «Мягкая сила» политики Китая, Турции, Ирана, России и США в Центральной Азии в сфере образования.// «Ars Administrandi», № 1, 2016, 160-177 стр.; О. А. Добринская. Особенности «мягкой силы» Японии в странах Центральной Азии.//«Япония. Ежегодник», Институт востоковедения РАН, № 44, 2015, 36-56; Н.А.Цветкова. Публичная дипломатия США: теории и концепции.//«Исторические, философские, политические и юридические науки, культурология и искусствоведение. Вопросы теории и практики. Тамбов: Грамота, 2015. № 4. Ч. 1. С. 186-189; Н.А.Цветкова. Публичная дипломатия США. От «мягкой силы» к «диалоговой пропаганде».// «Международные процессы». Том 13, № 3, сс. 121-133 и др.
6. Ижтимоий шериклик ва давлат карорларини кабул килишда жамоатчилик иштироки буйича халкаро тажриба. / Тузувчилар: Н.Боржели ва бошк.; Инсон хукуклари буйича ЎзР Миллий маркази Т • АРТ ФЛЕКС, 2012.-544 бет.
7. Полтерович В.М. Толерантность, сотрудничество и экономический рост. <https://institutiones.com/theories/3078-tolerantnost-sotrudnichestvo-ekonomicheskii-rost.html>
8. И.Ю. Шабарина Психологические аспекты формирования социальной

толерантности личности. <https://www.informio.ru/publications/id3569/Psihologicheskie-aspeky-formirovaniya-socialnoi-tolerantnosti-lichnosti?ysclid=lv9d06pfz0446396005>

9. Дойч К. В. Социальная мобилизация и политическое развитие // Политическая наука : журнал. — 2012. — № 2. — С. 196-226.

10. Сингер Д. Не распространение демократии, но уничтожение идеологических противников // Русский журнал. 2009. 14 сентября. <http://www.russ.ru/Mirovaya-povestka/Ne-rasprostranenie-demokratii-no-unichtozhenie-ideologicheskikh-protivnikov>

11. Гидденс Э. Ускользающий мир. Как глобализация меняет нашу жизнь. М.: Издательство «Весь Мир». 120 с.

12. Фукуяма Ф. Наше постчеловеческое будущее: Последствия биотехнологической революции / Ф. Фукуяма; Пер. с англ. М.Б. Левина — М.: ООО «Издательство АСТ»: ОАО «ЛЮКС». 2004. — 349.

13. Хелд Д. Модели демократии. —М.: Дело, 2014. – 544 с.

14. Бергер П., Лукман Т. Социальное конструирование реальности. Трактат по социологии знания. —. М.: «Медиум», 1995. — 323 с.

15. Kissinger H. Russian and American Interests after the Cold War // Rethinking Russia's National Interests / Ed. by Stephen Sestanovich. Washington: Center for Strategic and International Studies, 1994. P. 1., 3.; Kennedy P. The Rise and Fall of Great Powers. New York: Random House, 1988. P. 534; Doran Ch. Quo vadis? The United States' Cycle of Power and Its Role in a Transforming World // Building a New Global Order. Emerging trends in International Security / Ed. by D. DeWitt, D. Haglund, J. Kirton. Toronto; Oxford; New York: Oxford University Press, 1993. P. 17.; Trachtenberg M. History and Strategy. Princeton: Princeton University Press, 1991. P. 17-25.; Schelling Th., Halperin M. Strategy and Arms Control. New York, 1961; Arms Control, Disarmament and National Security / Ed. by Donald Brennan. New York, 1961.

16. О структуре социального действия. — М.: Академический проект, 2000 (включает библиографию и материалы о судьбе парсонсовского наследия в России).

17. Бурдье П. Социология политики. М., 1993. С. 40.

18. Леви-Строс К. Структурная антропология. М.: Наука, 1983. С. 257.

19. The Person and the Situation: Perspectives of Social Psychology. Lee Ross, Stanford University

Richard E. Nisbett, University of Michigan.

20. Мезенцев Е.А. Проблема границ толерантности. <https://research-journal.org/archive/8-39-2015-september/problema-granic-tolerantnosti>